Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 20-fevral, payshanba № 24 (3373)

Қурултой

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг навбатдан ташқари V қурултойи бўлиб ўтди. Унда делегатлар, касаба уюшма фаоллари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг 2010-2013 йиллар давомида олиб борган фаолияти ва келгусидаги вазифалари ҳақида тармоқ Марказий кенгаши раиси Шавкат Адилов маъруза қилди.

Самарадорлик омили

Таъкидланганидек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси IV қурултойидан келиб чиққан вазифалар ҳамда ҳисобот даврида белгилаб олинган устувор йўналишларни амалга ошириш доирасида муайян ишлар қилинди. Жумладан, ижтимоий шерикликнинг асосий механизмлари бўлган жамоа келишувлари ва шартномалари имкониятидан самарали фойдаланиш чоралари кўрилди. Бош келишув асосида тармоқ келишувлари қайта кўриб чиқилиб, уларга меҳнаткашлар, айниқса, аёллар ва ёшлар манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қўшимча имтиёзлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг мамлакатимизда ратификация қилинган конвенциялари бажарилишини таъминлаш юзасидан вазифалар белгилаб олинди. Ўз навбатида, жамоа шартномаларида ходимлар учун имтиёзлар кўлами кенгайишига эришилди. Жумладан, 2012 йили 3975 нафар фуқаро ва 1286 та оила ижтимоий кўмак олган бўлса, ўтган йили 4664 нафар фуқаро ва 1442 та оилага шундай ёрдам кўрсатилди.

Аъзоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2012-2013 йилларда тармоқ Марказий кенгаши ва соҳа бўйича республика бирлашган қўмитасига ёзма, оғзаки ва «Ишонч телефонлари»га келиб тушган меҳнат низоларига оид 155 та мурожаат бўйича бепул ҳуқуқий маслаҳат берилди. Фуқаролар мурожаатларининг таҳлилий якунлари бўйича меҳнат қонунчилигига риоя этиш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш юзасидан касаба уюшмалари Федерацияси, тармоқ тизимидаги соҳа бўйича республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси, бошланғич ташкилотлар ҳамда бошқарув идоралари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Маълумки, корхоналарда хавфсиз меҳнат шароитларининг тўғри ташкил этилиши ходимларни интизомли бўлиш ва ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, асбоб-ускуналар бузилиши ва бошқа ҳолатларнинг камайиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши ва корхона барқарорлигига олиб келади.

Корхоналарнинг жамоа шартномалари ва ҳар йили тузиладиган «Меҳнат муҳофазаси бўйича битим»ларга тармоқ касаба уюшмаси ва ижтимоий шериклар ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан ўзаро келишувлар асосида меҳнаткашларнинг иш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, маиший бинолар ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси бўйича меъёрий талабларга мос келтириш, махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, ишчиларга яхши иш шароитлари яратиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича аниқ тадбирлар киритилаяпти.

(Давоми 2-саҳифада).

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Аскарлар уйига кузатилмоқда

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни уйига кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаб берадиган етакчи олий ҳарбий ўқув муассасаларидан биридир. Бу ерда курсантларнинг интеллектуал жиҳатдан юксалиши, замонавий ҳарбий билим ва кўникмаларни пухта эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

Кузатиш маросимида Ватан олдидаги бурчини намунали ўтаган аскарларга фахрий ёрлиқлар, Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти раҳбариятининг олий таълим муассасаларига имтиёзли ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномалари топширилди. Мазкур тавсияномалар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тўпланадиган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорида имтиёз тақдим этишини таъкидлаш жоиз.

— Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаганимдан хурсандман, — дейди самарқандлик Мироншоҳ Ниёзов. — Саралаш танловларидан муваффақиятли ўтиш учун китоб мутолаасига кўп вақт ажратдим, спортнинг кикбоксинг тури билан жиддий шуғулландим. Бугун бу ерни тарк этаётган бўлсам-да, ёзда билим юртига курсант бўлиб қайтишимга ишонаман.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири.

СУРАТДА: *тадбир иштирокчилари.*

Асқар ЁҚУБОВ
(ЎзА) олган сурат

Конференция

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг навбатдан ташқари VI конференцияси бўлиб ўтди. Унда делегатлар, касаба уюшма фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Конференцияни бирлашма кенгаши раиси А.Аҳмедов кириш сўзи билан очди.

Эзгуликка кўнгил пайваста

Ҳисобот даврида касаба уюшма фаолларининг саъй-ҳаракати асосан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди. 2010 йилнинг июл ойидан шу кунга қадар жамоа шартномалари орқали 19880 нафар фуқаро ва 17036 та оилага 4,1 млрд. сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди. Бундан ташқари, 1550 нафардан зиёд аёлга қўшимча таътил берилди. 1000 дан зиёд аёлнинг ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ таътиллари узайтирилди. 500 дан ортиқ кўп болали аёлга қисқартирилган иш куни белгиланиб, моддий ёрдам кўрсатилди. 100 га яқин ишловчи байналмилал жангчилар ижтимоий ҳимояга олинди. Турли байрамларда 30517 нафар кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари, «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, якка-ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллигимизни ҳимоялашда жонини фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, корхона ва ташкилотлар ходимларига касаба уюшма маблағи ҳисобидан 689,3 млн. сўмлик турли кўринишдаги моддий ёрдамлар берилди.

Бу каби эзгу ишларнинг кўлами тобора кенгайиб бораётир. Ижтимоий шериклар билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Маданий, маърифий ва спорт тадбирлари ҳам бирлашма диққат марказида бўлди.

Ҳисобот юзасидан сўзга чиққан Қумқўрғон туман «Ободонлаштириш» давлат корхонаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Э.Қаҳҳоров, Таълим, фан ва маданият ходимлари Шўрчи туман кенгаши раиси Э. Худоёров, «Жарқўрғоннефт» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Э.Турсуналиев сўзга чиқиб, фикр ва мулоҳазалари, таклифларини ўртага ташлади.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдан ташқари VI Қурултойига делегатлар сайланди.

Кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Маънавият

Самарқанд вилоятида касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнаткашлар ўртасида маънавий тарғибот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тизимда фаолият олиб бораётган 3811 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида ҳафтанинг муайян кунида «Маънавият соатлари» ўтказиб келинаётир.

Ўзликни англаш...

Касаба уюшмалари ҳамкор ташкилотлар билан ўтган йили мингдан ортиқ маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида тадбирлар ташкил этиб, уларда 40 мингдан ортиқ меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари иштироки таъминланди. Бундан ташқари, ташкилот, корхона ва муассасаларда ёш авлод камолига хизмат қилувчи оммавий тадбирлар ташкил этилмоқда. Масалан, «Самавто» автобус ишлаб чиқариш заводида «Очиқ эшиклар» куни ўтказиш анъанага айланган. Бундан кўзланган мақсад, ходимларнинг фарзандлари ота-оналари иши билан танишиб, улардан ибрат олишига шароит яратишдан иборат. Тадбир доирасида иқтидорли ёшлар томонидан яратилган бадиий ижод намуналари кўргазмаси ташкил этилиб, ғолиблар тақдирланади.

Миллий маънавиятимиз, анъана ва урф-одатларимиз, ахлоқий қадриятларимизни авлодларга етказувчи муҳит ҳам, аслида, оилада мужассам. Маънавий юксалиш, ўзликни англаш жараёнига жиддий тўсқинлик қилаётган унсурлардан ана шундай кўнгилга яқин тадбирлар орқали сақланишимиз лозим.

(Давоми 2-саҳифада).

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Президентимизнинг «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори адабиётимизга, ижод аҳлига ҳурмат-эҳтиромнинг ўзига хос ифодаси бўлди.

«Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга...»

Муҳаммад ака ўз шеърларига қуйиб қўйгандек ўхшарди: содда, самимий, ростгўй... Айтганча, самимий дегани нимани англатади, биродари азиз? Кўп ишлатилганидан деҳқоннинг кетмонидек ялтиллаб кетган бу сўзнинг қиёфаси қанақа? «Унинг шеърларидан самимият балқиб туради», деб ёзишади олимларимиз. Ҳеч тасаввур қилолмайман-да. Ёки бу юракдан чиққан, дўстона айтилган гап деганими?

Каминанинг ожиз фикрича, истеъдод қирраларидан бири — самимият. Бу таъриф остида мардоналик, тўғрилик, тил ва дил билиш, инсон қалбини теран ҳис қилиш, ҳолатга кира олиш... лар бор.

Муҳаммад аканинг дастлабки шеърларини ўқиганимда қизғалдоқзор адирда почалари шимарилган ўспирин қуёшга қараб шошмасдан кетаётгандек туюларди. Яна унинг шеърларидан эндигина қўшқулоқ бўлган ялпизнинг ҳидларини туярдим. Хуллас, ғирт ўзбекча манзара, кайфият эди бу. Тўғри, ҳаммамиз ўзбекча ёзамиз, лекин ҳамма ҳам ўзбекона ёзолмайди.

Муҳаббат, эй гўзал изтироб,
Қоматимни букиб қўйдинг-ку.
Кўкрагимга қўлингни тираб,
Юрагимни тўкиб қўйдинг-ку...

«Юрагим адо бўлди», «вайрон бўлди», «яра бўлди», ҳатто, «харж бўлди» каби китобий жумлалар кўп. Муҳаммад ака эса росмана халқона қилиб айтади. Шеърини ўқиб юраккинанг тўкилиб кетади.

Ёшликдан жуда шеърсевар эдик. Яхши шеърлар ўз-ўзидан ёд бўлиб қоларди. Бир-биримизга айтиб чарчамасдик. Мусобақалашардик ҳам. Севимли шоирининг суратларини албом қиладиганлар ҳам кўп эди. Қизиқ, газет-журналда чиққан расмига қараб одамнинг яхши-ёмонлигини сезса бўлади. Сизга ҳам шундай кўринадими? Муҳаммад Юсуфнинг «Ёшлик» журналидаги катта сурати талабаларнинг деярли ҳамма ётоқхонасида осиғлиқ турарди. Ўша ним табассум, кўзи алланечук ёшинқираган. Очиғи, баъзи қизлардан ўша расмларни рашк қилардик. Биз ҳам шоирликка ўзимизча номзод эдик-да.

(Давоми 4-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Сирдарё иссиқлик энергетика станцияси ОАЖ томонидан хайрли иш амалга оширилди.

САХОВАТПЕШАЛИК

Корхонанинг 250 миллион сўмлик ҳомийлик маблағи эвазига Ширин шаҳри марказий шифохонасининг иситиш тизимлари тўлиқ таъмирланди. Марказий янги иситиш қозони ўрнатилди. Натижада, даволанаётган беморларга катта қулайлик яратилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ

САМАРҚАНД

Каттақўрғон туманида ўтган йили 69 та маҳалла ҳудудида юзга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилиб, икки мингга яқин киши иш билан таъминланди.

МАҲАЛЛА — ЁШЛАР КЎМАКЧИСИ

Жорий йилда яна 1,5 мингта иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

«Қўштепа» маҳалласида яшовчи Шакар Қувватов майизни қайта ишлашни йўлга қўйиб, маҳаллада истиқомат қилаётган 50 нафар кишини иш билан таъминлади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

НАВОИЙ

Кармана туманидаги «Маликработ» қўрғонидаги «Дўстлик» маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уйлар ҳудуд кўринишининг тубдан ўзгариб кетишига сабаб бўляпти.

ЧИНАКАМ ДЎСТЛИК ҚЎРҒОНИ

Яқинда бу ерда янги маҳалла биноси қад ростлади. Кўркам бино ёнида новвойхона, гўзаллик салони, бозор, пойабзал таъмирлаш устахонаси ва дорихоналар фаолият юритиб турибди. Ҳудуддаги мини футбол ўйингоҳи, болалар майдончаси ёш авлод саломатлигига хизмат қилмоқда.

Маҳбуба ҚАМБАРОВА

ҚАШҚАДАРЁ

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг қарорига асосан бу йил турли соҳалар бўйича 88920 та янги иш ўрни яратилади.

ИШ ЎРНИ ВА ТАРАҚҚИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Уларнинг 5942 таси янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналари, микрофирмалар, 14733 таси якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорлик субъекти ҳиссасига тўғри келади. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳисобига 10399 та, жумладан, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби соҳаларни тараққий эттириш эвазига 5587 та янги иш ўрни яратилади.

Ташкил этилажак иш ўринларининг 47044 таси ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, 38,1 мингтаси хотин-қизлар учун мўлжалланган.

Иззат ҲИКМАТОВ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Ўтган йили Тўрткўл ва Амударё туманларида иккита касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

БАРЧА БИРДАЙ МАМНУН

«Хитой» овул фуқаролар йиғини Амударё тумани марказидан 25 километр олисда. Ушбу ҳудудда олтита мактаб жойлашган бўлиб, уни тугатган ёшлар коллежда таълим олиш учун туман марказига қатнар эдилар. Қуриб битказилган уч қаватли транспорт касб-ҳунар коллежи уч юз олтмиш ўқувчига мўлжалланган. Қурилиш ишларига ҳукуматимиз томонидан 2 млрд. 999 млн. сўм ажратилди. Ҳозирда 213 нафар йигит-қиз ушбу коллежда бешта мутахассислик бўйича таълим олаяпти. Компютерлар билан жиҳозланган фан хоналари, ёпиқ спорт зали, уч ярим мингдан зиёд китоб фондига эга кутубхона ва ошхона ёшлар ихтиёрида. Йигирмага яқин ўқитувчи ушбу даргоҳда ёшларга билим бермоқда.

Бундай шароит ва қулайликдан нафақат ёшлар, ота-оналар ҳам мамнун бўлмоқда.

О.МАМУТОВ

Ishonch
2014-yil 20-fevral № 24 (3373)

Самарадорлик омили

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Айтиш мумкинки, касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг биргаликда олиб борган саъй-ҳаракати туфайли тармоқдаги ходимлар санитар-маиший бинолар билан тўлиқ таъминланган. Кўпгина корхоналарнинг дам олиш, кийим алмаштириш, ювиниш ва овқатланиш хоналари талабга жавоб беради. Тармоқдаги барча корхоналарнинг касаба уюшма қўмиталари меҳнатни муҳофаза комиссиялари ва сайланган меҳнат муҳофазаси вакиллари тегишли равишда жамоатчилик назоратини олиб бормоқдалар.

Тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотлар жамоа шартномаларига касаначилик меҳнатига оид бандлар киритилишига эришилаяпти. Ҳозирда 46 корхона ва ташкилотда 1700 касаначи ишламоқда.

Ходимлар фарзандларини соғломлаштиришда ҳам ижобий натижалар кўзга ташланади. Тармоқ тизимида ёз мавсумида 10 дан зиёд оромгоҳлар фаолият кўрсатиб келаётир. Болаларни дам олдириш, жисмонан чиниқтириш, соғлигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш, маданий-маърифий савиясини кўтариш бўйича зарур шароитлар яратилган. 2012-2013 йилларда ушбу оромгоҳларда 51331 нафар бола дам олдирилди, улардан 2640 нафари оролбўйилик ўғилқизлар, 479 нафари «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, 4000 нафари эса кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари ва етим болалардир.

Меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар орасида жисмоний тарбияни кенг тарғиб этиш, уларни оммавий спортга фаол жалб этиш мақсадида корхона ва ташкилотларда спорт иншоотларининг техник базасини янада бойитишга катта аҳамият берилди. Биргина «Ўзметкомбинат» ОАЖ «Металлург» спорт клуби, ёпиқ сув ҳавзаси, теннис корти ва 15 минг томошабинга мўлжалланган стадиони қамраб олган. Тармоқдаги бошқа кўпгина йирик ташкилотларда ҳам ходимларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Тизимдаги 15 та коллежда турли йўналишдаги спорт секциялари тобора гавжумлашиб бораётир.

Ижро холисона таҳлил қилингандагина ўз самарасини беради. Қурултойда фаолиятда учраётган айрим муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди. Уларни бартараф этиш ва касаба уюшмаларининг устувор йўналишлари асосида келгусидаги вазифалар тилга олинди. Сўзга чиққанлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев тизимда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, такомиллаштириш жараёнига йиғин иштирокчилари эътиборини қаратди.

Қурултойда қатор ташкилий масалалар кўрилди. Жумладан, тармоқ Марказий кенгаши Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши деб номланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдан ташқари Қурултойига делегатлар сайлаб олинди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

■ Давра суҳбати

Меҳнат соҳасидаги муҳим масалалар муҳокамаси

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Нукус шаҳрида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

— Кейинги йилларда касаба уюшма ташкилотларининг фаоллиги ўсиб бормоқда, — деди бирлашма кенгаши раиси Соғиндиқ Ниетуллаев. — Меҳнаткашлар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ташкилотимизнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ўтган йилнинг ўзида бирлашмамизга 163 та шикоят хати келиб тушди. Шунингдек, «Ишонч телефони» орқали 400 дан зиёд мурожаат қабул қилиниб, аксарияти ижобий ҳал этилди.

Республикамиздаги «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйларига ҳомийлик ёрдами узлуксизлиги таъминланмоқда. 20 та кам таъминланган оилага кир ювиш машиналари олиб берилган бўлса, 136 нафар уруш қатнашчисининг ҳар бирига манзилли ёрдам кўрсатилди.

Давра суҳбатида турли ташкилотлар вакиллари ҳам фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Тадбирда ўртага ташланган турли масалалар ечими юзасидан иштирокчилар ўзаро фикр алмашиб, тегишли чора-тадбирларни белгилаб олдилар.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

***

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган давра суҳбатида давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тадбир доирасида вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида тузилган 2012-2014 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид минтақавий келишувнинг ўтган йилдаги ижроси ва жорий йилнинг устувор вазифалари бўйича масалалар кўриб чиқилди. Даставвал мавзу юзасидан вилоят ҳокимлиги вакили Маҳмуджон Нурматовнинг маърузаси тингланди.

Йиғилишда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, молия бошқармаси вакиллари ҳамда бирлашма бўлим мудирлари ва мутахассислари мавзу юзасидан сўзга чиқиб, кўтарилган муаммолар ечимига доир фикрлар билдиришди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий бўлим мудири ўринбосари Қувондиқ Муқимов иштирок этди ва тизимда кечаётган ислоҳотларга эътиборни қаратди.

Ўртага ташланган таклиф ва мулоҳазалар, муаммолар ечими хусусида аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

***

Навоий вилоятидаги давра суҳбати ҳам мунозараларга бой кечди. Унда касаба уюшма фаоллари билан бирга, кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштироки таъминланди.

Эркин мулоқот ва ошкора савол-жавоб тарзида кечган тадбирда «Иш билан таъминлаш ва меҳнаткашларнинг меҳнат муҳофазаси масалаларида ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўллари», «Ижтимоий соҳани ривожлантиришни, иш ҳақи ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш борасида банк тизими олдида турган вазифалар» каби масалалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, давлат бюджетидан молиялаштириладиган корхона, муассаса ва ташкилотларда ижтимоий ҳимоя ҳамда меҳнат муҳофазаси ишларини молиялаштиришда юзага келаётган айрим муаммолар ечимига оид фикрлар билдирилди.

Бирлашма кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Тоғаева ҳамда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бош мутахассиси Азамат Абдуллаев ўз чиқишларида таъкидлаб ўтганларидек, ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этаётган касаба уюшмалари нуфузи янада ортди.

Ўртага ташланган кўпгина мулоҳазаларга атрофлича муносабатлар билдирилди, чоралар белгилаб олинди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзликни англаш...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Маънавий тарғиботга минбар шарт эмас. Касаба уюшмалари томонидан ўтказилаётган турли акцияларда ҳам шу жиҳат ҳисобга олинаётир. Бир мисол, «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида 1200 нафардан ортиқ «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари билан учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг маданият ва истироҳат боғлари, қўғирчоқ театри, цирк, музей, тарихий обидалар ва хайрия концертларига бепул ташрифи таъминланди. «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин», «Хотира — абадий, жасорат — мангу» каби акциялар орқали кўплаб тарбиявий аҳамиятга молик тадбирлар ўтказилди.

Талаба-ёшларнинг маънавий-маърифий соҳалардаги билими, меҳнатга иштиёқини кучайтириш, салбий иллатларга нисбатан мафкуравий иммунитетини шакллантириш мақсадида ўтказилган «Катта ҳаётга — касаба уюшмалари билан» акцияси ҳам кутилган натижани берди. Бир ҳафтадан ортиқ вақт мобайнида олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар касаба уюшмаси билан ҳамкорликнинг афзал жиҳатлари билан танишиб, ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида муайян тушунчага эга бўлдилар.

«Маънавият соатлари»да нафақат маъруза, балки тингловчиларнинг талаб ва таклифларига қараб учрашувларни викторина, ижтимоий сўров ва танловлар шаклида ўтказиш анъанага айланмоқда.

Тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш мақсадида корхона, ташкилот, ўқув юртларида «Маънавият ва маърифат» хоналарини мавзуга оид плакатлар, фото-кўргазмалар, буклетлар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Маънавий тарғиботнинг усул ва услублари кўп. Уларнинг ҳар биридан оқилона фойдаланишга, самарадорлигини оширишга интилаяпмиз. Жамоат ташкилотининг барча вакил ва аъзолари 18-19 январ кунлари ўтказилган «Маънавият ҳашари»да фаол иштирок этдилар. Ушбу тадбирда ҳамма фаоллик кўрсатишга интилди. 3,5 мингдан ошиқ фуқаро тозалик, ободонлик, кўкаламзорлаштириш ишларини бажарди. Қадамжолар тартибга келтирилди. 3 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. «Маънавият ҳашари» ҳар бир юртдошимизда ўзликни англаш ва қадрлашга бўлган иштиёқ кучли эканлигини яна бир карра исботлади.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятига ўзига хос эътибор боис улар иши янада жонланаётгани сир эмас. Меҳнат жамоаларида ходимларга яратилаётган шароит, имтиёзлар салмоғи ошаётир. Ўтган йили айнан бошланғич ташкилот интилиши билан вилоятимиз корхоналарида ишлаётган қарийб 12 мингга яқин меҳнаткашнинг республикамиздаги тарихий шаҳарларга саёҳатлари ташкил этилди. Бундай тадбирларга иш берувчилар ҳам диққат-эътибор қарата бошлагани касаба уюшмаларининг ютуғидир.

Меҳнаткашларнинг маънавий-интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, улар учун барча шарт-шароитни яратишга кўмаклашиш касаба уюшмалари олдидаги муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

Акбар ҚОДИРОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари

■ Жамоа шартномаси — амалда

Ижро ва таҳлил

Тошкент Молия институтида жамоа шартномасининг 2013 йилдаги ижроси ва 2014-2016 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг ўтган йилда жамоа шартномасида ўз ифодасини топган аъзолар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бандларнинг ижро этилиши бўйича ахбороти тингланди.

Қайд этилганидек, профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимларнинг иш ҳақи ҳамда талабаларнинг стипендиялари вақтида бериб борилди. Шунингдек, улар имкон даражасида моддий рағбатлантирилаётир. Кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож аъзоларга институтнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан 411,9 млн. сўм кўмак кўрсатилди.

Ўтган йил давомида профессор-ўқитувчи ва ходимлардан 21 нафарига санаторийларга имтиёзли, жумладан, 3 нафарига бепул йўлланмалар берилди. Ёзги дам олиш мавсумида 300 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи ва ходим оила аъзолари билан институтнинг «Молиячи» оромгоҳида ҳордиқ чиқарди.

Талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Институт талабаси Ф.Примқулов Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг махсус устама стипендияси соҳиби бўлди. Шунингдек, тармоқ Марказий кенгаши талаба О.Болтаевнинг 2013-2014 ўқув йили учун шартнома пулини тўлаб берди.

Институтда бир неча марта арзон нархлардаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. «Молиячи» оромгоҳида пишиб етилган олма, ёнғоқ, бодом ва бошқа мевалар териб олиниб, кам таъминланган ходимларга бепул тарқатилди.

Байрамлар арафасида факултет ва талабалар турар жойларида турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Аъзолар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи кўплаб оммавий спорт мусобақалари ҳам ўтказилди. Голиблар касаба уюшмаси томонидан тақдирлаб борилди.

Дарвоқе, ўтган йил декабрида фойдаланишга топширилган институтнинг янги спорт мажмуида бассейн, гимнастика, оғир атлетика заллари, теннис, футбол, волейбол ва баскетбол майдончалари, югуриш йўлаклари мавжуд бўлиб, бу ходим ва талабаларга доимий равишда спорт билан шуғулланиш имконини беради.

Институтда меҳнат муҳофазасини тизимли олиб бориш мақсадида ректорат ва касаба уюшмаси вакилларидан иборат комиссия тузилгани айни муддао бўлди. Профессор-ўқитувчи, ишчи-ходим ва талабаларни меҳнат қонунчилиги бўйича ўқитиш ҳамда билим савияларини доимий назорат қилиб бориш мазкур комиссиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилди. Ҳар бир бино бўйича ёнғин хавфсизлиги назорат техник комиссияси ҳамда ёнғинга қарши кўнгилли ўт ўчириш гуруҳлари тузилиб, улар томонидан хоналар ёнғин ва техника хавфсизлиги бўйича қоида ҳамда йўриқнома билан таъминланди. Жамоа аъзоларига мунтазам равишда ёнғин ва техника хавфсизлиги бўйича кўрсатмалар бериб борилди.

Умуман олганда, маъмурият билан ҳамкорлик асосида фаолият юритилиши натижасида жамоа шартномасида белгиланган барча бандлар ижроси таъминланди.

Йиғилишда, шунингдек, 2014-2016 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси лойиҳаси муҳокама қилинди. Уни ишлаб чиқишда Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йилларга мўлжаллаб тузилган Бош келишув асос қилиб олинди. Бундан ташқари, охирги йилларда меҳнат қонунчилигида бўлаётган ўзгаришлар, касаба уюшмалари фаолиятининг асосий устувор йўналишлари назарда тутилди.

Йиғилишда мавжуд муаммо ва камчиликлар тўғрисида ҳам сўз юритилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зокир ЮЛДОШЕВ,
Тошкент Молия институти касаба уюшма қўмитаси раиси

Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалигининг сердаромад, истиқболли тармоқларини ривожлантириш ишлари изчил олиб борилмоқда. Ўтган йили «Ипотека-банк»нинг Фарғона вилояти филиали таъсисчилигида Қувасой шаҳрида «Қувасой наслли парранда» масъулияти чекланган жамияти иш бошлагани бунга мисолдир.

Замонавий технологиялар асосида жиҳозланган корхонада ўн минг дона жўжа парвариш қилинмоқда. Бу ерда юздан зиёд киши иш билан таъминланган.

Айни пайтда корхонада кунига ўн бир тонна парҳез гўшт етиштирилаётир.

СУРАТЛАРДА: *«Қувасой наслли парранда» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Муҳаббат Ашурова; ишчи Матлуба Абдуқодирова.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)
олган суратлар

■ Тадбир

Қулай бизнес муҳити

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш борасида 2014 йилда банк тизимида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар» мавзуида амалий учрашув ташкил этилди.

Банк тизимида сўнгги йилларда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми кескин ортди. Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишга оид норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. Биргина 2013 йилнинг ўзида кичик тадбиркорлик субъектларига 6 трлн. 982 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Бугун ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга ажратилган кредитлар ҳажми сўнгги 3 йил давомида 5,5 баробарга ўсиб, 2013 йил якунлари бўйича 140,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ўтган йили 899,7 млрд. сўмлик кредит ажратилди.

Тадбирда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай бизнес муҳитини шакллантириш ва тадбиркорлик субъектларига янада кўпроқ эркинлик бериш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, жорий йилда бажарилиши зарур бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

Реклама ўрнида

MIKROKREDITBANK

Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу жараён мамлакатимизда банкмолия тизими томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш юзасидан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган чора-тадбирларга бевосита боғлиқ.

Фаровонликка муносиб ҳисса

Айни пайтда республикамизнинг тижорат банклари молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан, «Микрокредитбанк» ОАТБнинг Қашқадарё вилояти филиали томонидан якка тартибда иш бошлаган тадбиркорлар, касаначиларга кўмаклашишдан то оилавий тадбиркорлик, кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаси, касб-ҳунар коллеж битирувчилари, аёллар тадбиркорлиги ҳамда фермерликни ривожлантиришгача бўлган кенг кўламли ишлар ҳақли равишда эътирофга сазовор бўлаётир.

Бугунги кунда вилоятда банкнинг 10 та филиали ва 30 та минибанки орқали мижозларга сифатли ва намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Масалан, 2013 йил давомида банк филиаллари барча молиялаш манбалари ҳисобидан 64 миллиард 227 миллион сўм кредит ажратди. Сармоялар ҳисобига 10 640 нафардан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

Хусусан, молия муассасаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 435 нафар тадбиркорни 7 миллиард 179 миллион сўмлик микрокредит билан таъминлашга муваффақ бўлди. Натижада, 1874 та янги иш ўрни яратилди.

— Қишлоқлардаги бунёдкорлик боис ишимиз равнақ топмоқда, — дейди деҳқонободлик ёш тадбиркор, «Yunusov Dilshod» хусусий корхонаси раҳбари Жасур Тангриқулов. — 2013 йилда алюминий профилларидан замонавий эшик-ромлар ишлаб чиқариш учун банкдан 30 миллион сўмлик кредит олдик. Шароит бўлса, омад ҳам келаверар экан. Пойтахтимизда бўлиб ўтган «BANKEXPO — 2013» кўргазмасида иштирок этиб, имтиёзли кредит соҳибига айландим. Шунингдек, беш нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминладик.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ёш тадбиркорларга, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Банк томонидан коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлашга кўмаклашиш мақсадида ўтган йил ҳисобидан 1 миллиард 559 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. 290 нафардан ортиқ ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига имконият яратилди. Бугунги кунда улар турли йўналишларда ўзлари учун яратилган имкониятдан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Саноатни ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Банк томонидан мижозларнинг ана шундай лойиҳалари ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этаётир. Мазкур қарорга асосан 9 миллиард 540 млн. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 6 млрд. 924 млн. сўмлик сармоялар йўналтирилди.

Обод турмуш йилида «Микрокредитбанк» ОАТБнинг вилоят филиали томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган 1 миллиард 573 млн. сўм кредит маблағи эвазига мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, миллий ҳунармандчиликни, касаначиликни қўллаб-қувватлаш ҳам банк фаолиятининг муҳим йўналишлари сифатида эл оғзига тушиб улгурди.

— Фаолиятимизни ривожлантиришда банкнинг ҳиссаси катта бўлмоқда, — дейди Шаҳрисабз туманидаги «Asqar Naimov» хусусий корхонаси раҳбари Матлуба Юлдошева. — Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида банкдан 20 млн. сўм сармоя олгандик. Ҳозирда зардўзлик маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Натижада, маҳалладаги ўн беш нафар хотин-қиз ишли бўлди. Келгусида фаолиятимизни янада ривожлантириб, қўшимча иш ўринларини ташкил этмоқчимиз.

«Микрокредитбанк» фаолиятидан оилавий тадбиркорликни бошлаган ёш оилалар ҳам мамнун. Банкнинг вилоят филиали томонидан ўтган давр мобайнида 264 та ёш оилага 2 млрд. 603 млн. сўмлик кредитлар ажратилди ҳамда 701 та янги иш ўрни яратилди.

Яна бир муҳим жиҳат, бу «Гўзал ҳаёт», «Барака», «Обод юрт», «Фаровон турмуш», «Аёл қувончи», «Истиқлол туҳфаси» сингари йигирмага яқин омонат турларининг мижозларга таклиф этилганлиги бўлди. Ушбу омонат турларининг жорий этилиши банк мижозлари сонининг янада ортишига замин яратди.

Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили 476 нафар тадбиркор аёлга 5 миллиард 401 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилди. Бу 1630 нафардан ортиқ янги иш ўрни яратилишини таъминлади.

— «Микрокредитбанк» билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз туфайли кўплаб ютуқларни қўлга киритяпмиз, — дейди ғузорлик тадбиркор, «Zulfiya Ziyo» хусусий фирмаси раҳбари Зулфия Ражабова. — Паррандачиликни ривожлантириш учун банкдан 39 миллион сўм кредит олгандик. Ҳозирда 2500 та «Бройлер» зотли ҳамда тухум етиштириш мақсадида 2000 та «Ломан Браун» зотли товуқларни парваришлаяпмиз. Натижа ёмон эмас. Ҳар куни туманимиз аҳолисига 1200-1500 та тухум етказиб бермоқдамиз.

Мижозлар манфаати фаолиятнинг асосий тамойилига айланган банк жамоаси тараққиёт ва фаровонлик учун хизмат қиладиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашни Соғлом бола йилида ҳам изчил давом эттирмоқда.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» мухбири





Жамоатчилик назорати

Конимехда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилаётир. Туман ИҲҲҚнинг вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, туман тиббиёт бирлашмаси, «Ўзстандарт» агентлиги вилоят филиали, «Синовсертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси ҳамда бошқа давлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги бу борада яхши самара беряпти.

Истеъмолчи қонун ҳимоясида

Аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий тадбирлар кўлами кенгаймоқда. Мисол учун, ўтган йили «Юксак истеъмол маданияти сари», «Мен ёш истеъмолчи», «Истеъмолчи минбари», «Истеъмолчи ҳуқуқлари доимо қонун ҳимоясида», «Юксак ҳуқуқий маданият ва самарали жамоатчилик назорати орқали тараққиёт сари», «Истеъмол хавфсизлиги — соғлом оила гарови», «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2013», «Истеъмолчи ким?» каби мавзуларда ташкил этилган давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, кўрик-танловлар, шунингдек, жамият томонидан тумандаги таълим муассасалари ўқувчи ёшлари ўртасида «Мен — ёш истеъмолчи» иншолар танлови ўтказилди. Бундан ташқари, ички бозорларга сифатсиз, инсон ҳаётига хавф туғдирувчи маҳсулотларнинг киритилиши ва сотилишига йўл қўймаслик, шунингдек, аҳолига тиббий, транспорт ҳамда маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида истеъмолчилар дуч келаётган муаммолар, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар оммавий ахборот воситалари орқали ёритилаётир.

***

Хатирчи туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ўтган йили фуқаролардан кўплаб мурожаатлар тушди. Уларнинг барчаси тегишли ташкилот ва муассасалар билан ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди. Айримлари чора кўриш учун Навоий шаҳар ва Хатирчи туман прокуратураларига, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туман ички ишлар бўлимига ўтказилди. Ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолдирилмади.

Айтиш жоизки, кўпчилик табиий газ сарфи бўйича асоссиз равишда қарздор қилиб кўйилаётганидан шикоят қилган. Жумладан, «Янгиработ» МФЙда яшовчи Шоназар Қўзибоевнинг ёзишича, табиий газ таъминотида хизмат кўрсатиш яхши йўлга кўйилмаган, асоссиз равишда ортиқча тўловлар ҳисобланган. «Чинобод» МФЙда истиқомат қилувчи Дилафрўз Қобилова эса газ таъминоти идораси мутахассислари ўрнатиб берган (Украинада ишлаб чиқарилган) газ ҳисоблагич тезда яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини маълум қилган. Ҳар икки ҳолат бўйича текширув ўтказилганида, улар ҳақ эканлиги аниқланди. Пировардида Ш.Қўзибоевга нисбатан нотўғри ҳисобланган 215000 сўм миқдоридаги маблағ олиб ташланди. Д.Қобилова хонадонига эса янги газ ҳисоблагич ўрнатиб берилди.

П.Ярлақобов номли МФЙда яшовчи фуқаро Султон Асомов ҳам газ идораси ходимлари томонидан ўзаро ҳисоб-китоблардаги «янглишиш»лар тўғрисида мурожаат қилди. Қизиғи шундаки, ариза юзасидан аҳвол ўрганилганида, С.Асомовнинг меҳнат ҳақидан ўтказилган 200 000 сўм газ идораси ҳисоб-китобларида ўз аксини топмаганлиги маълум бўлди. Натижада, етказилган 200000 сўм моддий зарар аризачининг фойдасига қайта ҳисобланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Хатирчи уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг «Таянч гуруҳи» ташкил этилган. Коллежда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир махсус ўқув курсларида ўқитиш ишлари намунали йўлга кўйилган. Гуруҳ қошида тузилган «Ёш истеъмолчи» тўгарагида 127 ўқувчи фаол қатнашаётир. Бу ерда доимий равишда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид турли мавзудаги викториналар, рефератлар танлови ўтказилади.

«Таянч гуруҳи»га ўтган йили 11 та мурожаат тушган бўлиб, уларнинг 3 таси ижобий ҳал этилди. 8 нафар истеъмолчига эса ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Жумладан, ўқитувчи Худойбердиев газ ўлчагич сотиб олиш ниятида дўконга бориб, пластик карточка орқали тўловни амалга ошира олмаган. Ўқитувчи Р.Тошонов эса ойлик маошини туман ғазначилик бўлими орқали фарзандининг ўқув-таълим шартномаси тўловини тўлашда муаммога дуч келган ва ҳоказо. «Таянч гуруҳи» томонидан барча муаммолар ўз ечимини топишига кўмаклашилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Икромхон Нажмиддиновга фарзанди

КОТИБХОНнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Олам ва одам

Жанубий Кореянинг Кёнчжу шаҳрида бино қулаб тушиши оқибатида 10 киши ҳалок бўлди, 100 дан ортиғи жароҳатланди ва яна 14 киши бедарак йўқолган, дея хабар қилади РИА ахборот агентлиги.

Бино қулаб тушди

Фожиа душанба куни маҳаллий вақт билан 21:06 да содир бўлган. Маълумотларга кўра, бино томи қорни кўтара олмаган. Бинода биринчи курс талабаларига бағишланган кеча ўтказилаётганди.

Талабаларнинг аксарияти Пусан шаҳридан ташриф буюришган эди. Вайроналар остидан 9 нафар талабанинг жасади топилган. Тахминларга кўра, маросимда 500 га яқин талаба иштирок этган. Ҳозирча уч нафар талаба ва 11 нафар маросим ташкилотчиларининг тақдири номаълумлигича қолмоқда.

Ноқулай об-ҳаво қутқарув ишларига халал бермоқда. Маҳаллий полиция вакилининг таъкидлашича, жароҳатланганларнинг умумий сони 112 нафарни ташкил этади. Бедарак йўқолганлар ҳали-ҳамон бино остида қолмоқда. Шунингдек, 17 киши жиддий, қолган 84 киши турли енгил тан жароҳатлари олишган.

Айни дамда воқеа жойида қутқарув хизматининг 400 нафар ходими қидирув ишларини давом эттирмоқда.

Олмоқнинг бермоғи бор...

АҚШ полицияси Кейла Финли исмли 27 ёшли аёлни «Заҳар қайнона» филми видеокассетасини ижарага олиб, вақтида қайтариб бермагани учун ҳибсга олди, деб ёзади Fox Carolina News.

Аслида, Кейла Финли полицияга бошқа иш юзасидан ариза бериш учун борганди. Бу ерда эса унинг ўзини ҳибсга олиш тўғрисидаги эски ордер чиқиб қолди.

Маълум бўлишича, Финли 18 яшарлик пайти ижарага «Заҳар қайнона» филми видеокассетасини олган. Уни ўз вақтида қайтариб бермагач, Далтон видео дўкони (ҳозирда ишламайди) бир неча бор огоҳлантириш қоғози юборган. Натижа бўлмагач, полицияга мурожаат этган. 2005 йилнинг 12 сентябрида полиция қизга ҳибсга олиш ҳақидаги ордерни жўнатган.

Кейланинг айтишича, ўша вақтда у бошқа жойга кўчиб ўтган ва ҳеч қандай хатни ҳам, ордерни ҳам кўрмаган. У видеокассетани атайин ўзида қолдирмаган, балки шунчаки уни ижарага олганлигини унутиб кўйган.

Шундай қилиб, Финли хоним тўққиз йил аввалги кассета учун 13 февралда ҳибсга олинди. Бир суткадан кейин у икки минг АҚШ доллари миқдоридаги гаров пули эвазига озодликка чиқарилди.

Метеорит портлади

Аргентинанинг Санта-Фе провинцияси ҳудуди осмонида метеорит портлади. Бу ҳақда маҳаллий обсерватория ходими маълумоти асосида Agence France-Presse хабар тарқатди.

Санта-Фе шаҳри Буенос-Айресдан 350 километр шимолиғарбда жойлашган. Шаҳар аҳолиси маҳаллий вақт билан соат 10:00 да осмонда ёрқин чақнашни кузатишган, унинг ортидан эса кучли портлаш овози эшитилган. Портлаш тўлқини кучидан уйлар ва ер зириллаб кетган. Ҳодиса натижасида бинолар талафот кўргани ёки кишилар жабрлангани ҳақида маълумот берилмаган.

Табиий ҳодисани ўрганишга киришган олимларнинг фикрича, буларнинг барчаси осмонда метеорит портлаши аломатларидир. Аммо ҳозирча мазкур ҳудудда биронта ҳам самовий жисм парчаси топилгани йўқ. Обсерватория мутахассислари метеорит бўлаклари атмосферада куйиб кетган бўлиши мумкин деган тахминни илгари суришмоқда.

Интернет хабарлари асосида
ЎзМУ ҳуқуқшунослик факултети талабаси Обиджон ЖУМАҚУЛОВ тайёрлади

Реклама ва эълонлар

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2014 йил 24 мартда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу «Объектлар» учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
-сотувчининг банк хисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;
-таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2014 йил 24 март куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2014 йилнинг 31 март ва 7, 14, 21 апрел кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат объектлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда саклончи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Бино ва иншоотлар	797,0	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 555-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.06.2013 № 209	703 986 636,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қиска муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	2 каватли бинонинг 1 каватидаги умумий майдони 79 кв.метрга тенг қисми	79,00	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сайҳун кўчаси, 19-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.06.2013 № 209	72 672 000,00		

Хизматлар лицензияланган.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 20-fevral № 24 (3373)



«Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга...»

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

1988 йил. Биз филология факултетининг иккинчи курс талабасимиз. Замон олаговур, рост-ёлғон аралаш, қизил империя тагига сув кета бошлаган даврларни яхши эсласангиз керак. Ижтимоий дард деганда, албатта, унга малҳамдек бўлиб Муҳаммад аканинг шеърлари ёдингизга тушар. «Бободеҳқон», «Ўзбек иши», «Нега йиғламайсан», «Уруш бўлмасин», «Пахта», «Биринчи синф болалари», «Сўроқ»... Ҳар бири жамоатчилик томонидан катта воқеа сифатида қабул қилиниб, қизғин муҳокама-мунозараларга сабаб бўлганди. Ўша йили ёз бошида Фарғонадаги Марказий стадионда катта концерт ташкил қилинди. Сизга ёлғон, менга чин, футбол томошасигаям бунча мухлис тушмайди: ўтиргани жой йўқ, тумонат одам. Сабаби бор-да, ахир, кимсан Таваккал Қодиров бошчилигида буёғи Охунжон Мадалиев торини созлаб турган бўлса, буёғда эса Анвар Обиджону Муҳаммад Юсуфлар чиқиши кутилаётган бўлса... Концерт ўз йўлига, Анвар аканинг олтиариқча ҳазилга йўғрилган шеърлари томошабинларни бир қийқиратиб олди. Устоздан сўнг навбат «ёшларнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуфга» берилди. Муҳаммад ака, ўзига хос сал қийрихонроқ одим отиб, минбарга кўтарилди. Стадион сув қуйгандек жим. Халқ ўз дардкаш шоиридан ҳар доимгидек кутилмаган бир шеър кутяпти. Шоир бироз бўғиқ, узуқ овозда «Дўппи» шеърини ўқий бошлади. Мен атрофга қараман: минглаб мухлис нафас ютиб, саратонда чўллаган йўлчидек ютоқиб тингляпти. Ниҳоят шеър якунида фикр портлади: «Бошга лойиқ дўппи йўқми ё, Бош қолмади дўппига лойиқ!» Стадион ларзага тушди. Одамлар жон-жаҳди билан қарсак урар, ёшларнинг олқишлаб қийқиришидан қулоқлар батанг бўлди. Ёнимда ўтирган Абдулла дўстим қўли билан ишора қилиб бир нарсалар деди. Қарасам, бир киши майдонни кўндаланг кесиб шоирга қараб шитоб билан боряпти. Минбарга енгил кўтарилдию қўйнидан яп-янги Марғилон дўппини олиб, совринни кўз-кўз қилаётгандек боши узра кўтариб намойиш этди-да, меҳр билан, эҳтиром билан шоирнинг бошига кийгазди. Яна қарсак, яна олқиш. Бу ўзига хос совринда ўзбекона тимсол бор эди, назаримда.

Ўша куни оқшом Водилга — Турсунали полвонникига зиёфатга жўнадик. Муҳаммад акалар алоҳида енгил машинада, биз полвоннинг томоша машинасида. Полвон акани биласиз, яхши шеърнинг, ҳақиқий шоирнинг қули. Эҳ-ҳе, бу дарёдил инсон туфайли қанчадан-қанча ижодкорлар бир-бирини таниган, топган, кўнгли ўсган. Аканинг саховати ҳам ўшанча бор. Ўша кеча ҳақиқий назм ва наво кечаси бўлди. Асосий қаҳрамон, албатта, Муҳаммад Юсуф. Табиийки, даврадагилар шоирдан янги шеър сўрашди. Муҳаммад ака шошмасдан чўнтагидан тўрт букланган қоғозни олди-да, «тандирдан янги узилган, ҳали ўзим ҳам ёд олганим йўқ, сизлар биринчи эшитувчисизлар. Турсунали полвон ўқишга миллий кийимда борса, ректор бу Маданият институти бўлса, тўн кийиб юриш мумкин эмас, деганмиш», деди-да машҳур «Тўн» шеърини ўқий бошлади.

Ўзбекнинг тўнини енглари узун,
Ўзбекнинг жўнини енглари узун.
Енги узун кўйлак кийманглар сизлар,
Маданият даргоҳида ўқисангизлар...

Хизмат қилиб юрган мезбон болакай ҳам шеърга маҳлиё бўлиб қўлида чойнак билан эшикка суянганча қотиб турарди. Шеър ниҳоятда равон, қуйма, табиий, худди Водилсойнинг кумуш сувидек роҳатижон эди. Бир пасдан кейин Полвон ака мени таърифлаб даврага таништирди ва Муҳаммад акадан изн сўраб, каминага навбат берди. Ёшлик экан-да, хотира тиниқ, қон қайноқ, қойил қолдириш, таассурот уйғотиш истаги жўш урган... Шоир менга ёнидан жой бериб, «ана энди ўқи», деб буюрди. Полвон ака давранинг у ёқ-бу ёғида гаплашаётганларни «тшш...» деб кўрсаткич бармоғи билан ёлғондакам пўписа қилиб тинчитиш билан овора. Шеър айта бошладим. Гап-сўз аста-секин тинчиб, даврадагилар таажжубланиб бир-бирига қараб, қош кўтариб имо-ишорага тушди. Мен ҳозиргина Муҳаммад ака ўқиган «тандирдан янги узилган» шеърни тутилмасдан бамайлихотир ёддан айтиб бермоқда эдим. Шеър тугади. Шоир менга бироз ажабланиб, ҳам иккиланиб қаради. Кейин ғап нимадалигини тушуниб, «Қойил! Икковимиз битта шеърни ёзиб қўйибмиза», деб ҳазиллашди-да, сочимдан ғижимлаб, пешонамга пешонасини дўстона уриб қўйди. Шоирнинг илтифотидан даврага янада файз киргандай бўлди...

* * *

«Мен жумла жаҳонни севаман, бутун инсониятга жоним садаға», деб айтиш осон. «Бутун дунё оналарига гулдан ҳайкал қўяман», деб ҳаммаям айтолади. Лекин биттагина одамни яхши кўриш, қадрлаш, унга яхшилик қилиш анча мушкул иш. Ён қўшнисига керак пайтда ёрдам беролмаган одам жаҳонга нима қилиб берарди дейсиз. Буюк Навоий бежиз «Кимки бир кўнгли бузуқни хотирин шод айлагай...» деб ёзмаган.

1994 йили Набижон Боқий раҳбарлигида Шоҳимардонга борадиган бўлдик. Набижон ака «Муҳаммад бир зиёрат қилиб келайлик деяпти, йиғиштиринг майда-чуйда ишларни, кетдик», деди. Хўп, дедик. Кўнмай кўринг-чи! Набижон Боқийни биласизу... Эртаси оқшом Андижон поездига Мусулмон Намоз, Салим Ашур, Муҳаммад Шариф... чиқдик. Азонгача уйқу тугул, ёнбошлаб ётиш ҳам бўлмади. Муҳаммад Юсуфнинг суҳбати, мушоира, улфатчилик дегандек... Тонгда Бағдод тумани марказидаги Фурқат станциясида бизни шахсан Абдуқаҳҳор Абдусаматов кутиб олди. Муҳаммад аканинг оёғига қўй сўйилди, мезбонликнинг расм-русумлари бажарилди. Ҳозир «Тоҳир-Бағдод» ижод уйи жойлашган толзорда юзлаб одам йиғилган, байрамона шукуҳ ҳукмрон эди. Ростдан ҳам Муҳаммад Юсуфдек шоир билан юзма-юз учрашиш, шеърларини ўзидан эшитиш қадрини билган одамга тўйдай гап эмасми? Ахир халқнинг ўз шоири оила аъзосидек қадрдон бўлиб қолади, асарларини ҳар бир одам мен учун ёзилган, менинг ичимдагини ёзган, деб ўйлайди. Салим Ашур иккимиз ҳам шеър ўқидик, олачалпоқ қарсак бўлди. Муҳаммад ака кўнглимизни кўтариб, халқдан дуо олиб берди. Сўнг Бағдоддан Шоҳимардонга йўлга чиқдик. Қўли Қуббон, Ёрдан азиз каби қутлуғ манзилларда уч кун истироҳат қилдик. «Ёз фасли, ёр васли, дўстлар суҳбати» бир умрга эсдалик бўлди. Гаплашилмаган мавзу, тегилмаган масала қолмади. Бироқ ғийбатлашмадик. Қайси шахс ҳақида мундайроқ гап қўзғолса, Муҳаммад ака оғизга урарди: «Ҳеч бўлмаса, Шоҳимардондан уялинглар. Ўша одамнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг-чи! Уларга ҳам осон эмас...» Мен аканинг бағрикенглиги, олижаноблигига яна бир бор беш кетдим.

Шоҳимардон марказидаги томоша майдонида иттифоқо устоз Йўлдош Сулаймонни учратиб қолдик. У киши учтўрт марғилонлик ижодкорлар билан дам олишга чиққан экан. Узоқдан тўлибтошиб, қувончдан чарақлаб, қучоғини очганча Муҳаммад акага пешвоз юрди. Шоирни азамат қучоғига оларкан, тинмай «Улуғим, улуғим-а», дерди. Йўлдош ака тушлик чоғи чўнғара гуручига ош дамлатиб, бизни сийлади. Муҳаммад Юсуф аҳён-аҳён адибга жавобан аския қилмоқчи бўлар, ўхшаса-ўхшамаса Йўлдош ака тиззасига шаппатлаб, осмонга қараб, силкиниб куларди...

Қайтишда яна Бағдодда қўноқ бўлдик. Устоз маҳаллий полвонларни суриштирди: «Тўра полвон бўларди, тирикми? Рустам полвон вақтли кетибди-да, аттанг... Ёш полвонлар ҳам борми?» Кейин Марҳаматда сайлларда кураш бўлишини, Қозоғистону Татаристондан полвонлар келиб белолиш курашида қатнашган пайтларни эслади. «Аммо ҳаммасидан бағдодликлар зўр чиқарди, Ҳожимуқониниям чалпак қиларди Рустам полвон», деди.

Меҳмонларга харидор кўп, айниқса, шоирга «бир пиёла чой» таклиф қилганлар сон-саноқсиз. Мен қишлоғимга ўтиб, уйдагилар билан хайрлашиб келадиган, кейин Тошкентга қайтадиган бўлдик. Бирдан Муҳаммад ака «мен ҳам сен билан қишлоғингга бораман», деб машинага чиқволди. Ҳолатимни тушуниб турибсиз, менга ноқулай, шундай шоирни ҳеч бир тайёргарликсиз ҳовлига олиб бораманми? Гап эшитишим аниқ. Айниқса, Илёс акамдан: «бир оғиз хабар бериб қўймайсанми, қўй-пўй ёнбошлатиб кутиб олмаймизми? Ҳа, бола ёш!» Йўл-йўлакай устоз оилавий шароитни суриштирди. Мен шунчаки гап орасида дадам «Тошкентда одам бўлишингизга кўзим етмайроқ турибди, ундан кўра туманимиз газетасида ишлаганингиз маъқул, Абдуқаҳҳор ўзимизники», деганини, ўзим ҳам иккиланиб турганимни айтдим. Муҳаммад ака муносабат билдирмади.

Ҳозиргидек эсимда: сўрида ўтирибмиз. Тепамизда ранг ола бошлаган узумлар август шабадасида сокин чайқалади. Акага ҳовлимиз маъқул тушди. «Кенг, саришта экан, ўзбекнинг ҳақиқий ҳовлиси шу-да», деди тандирга ишора қилиб. Дадам ишда экан, аям дарров чой дамлаб келдилар. Муҳаммад ака кутилмаганда аямга юзланиб: ая, мен қанақа шоирман, деб сўраб қолди. Аям: «Вой Муҳаммаджон, сиз энг зўр шоирсиз-да, буни ҳамма билади-ю», дедилар чой қайтариб. Шунда устоз бошқача бир овози товланиб, «аяжон, ўғлингиз мендан ўн марта зўр шоир, ҳали кўрасиз, мени айтди дейсиз, фақат буни жойи Тошкентда, мени ёнимда», деди. Аям кўзларига ёш олдилар. Мен билиб турибман, бу гаплар онанинг кўнгли учун, менинг келажагим учун бўрттириб айтилганди. Муҳаммад аканинг шуҳратига яқинлашишга мендақаларга йўл бўлсин. Устоз одамни, айниқса, онани мана шундай қадрлар эди.

* * *

Муҳаммад ака турмушнинг майда икир-чикирларига берилмади, ўткинчи туйғуларга ўралашиб қолмади. Куйлаганда бор овози билан рўй-рост баланд пардаларда куйлади. Ҳаётини, ижодини буюк мақсадларга бағишлади. У ўз халқини, тупроғини, Ўзбекистонини беғараз яхши кўрарди. Ишончим комилки, агар керак бўлса, Ватан учун ҳеч иккиланмай жонидан кечишга тайёр эди. «Ўзбекистон менинг онам, кимки унга қўл кўтарса, қўлларини уриб синдираман», деганда ҳақиқий фарзанднинг, ориятли йигитнинг иқрорини, яъни ўзининг чин сўзини айтганди.

О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга...

Аканинг Ватан ҳақидаги қўшиқлари минглаб ёшларни тарбиялади, тўғри йўлга солди. «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» деб ҳайқирганда юракларга ларза тушди, Ватан қадрини, озодлик бахтини англатди. «Иддаолар қилмай» халқини севган, Истиқлол куйчисига айланган шоир, ўз навбатида, Юртбошидан, юртидан меҳр кўрди, ардоқланди. «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида халққа, Ватанга «Муҳаммад Юсуфдек шоирлар зарур»лиги алоҳида таъкидлангани шоир ижоди ва шахсиятининг моҳиятини яққол кўрсатган. Ижодкорга қўйилган мезондан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак: «Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан?» деган саволларни китобхон олдига, жамият олдига қатъий қилиб қўя олди. Чунки бундай саволни қўйишга унинг маънавий ҳуқуқи бор эди.

Муҳаммад Юсуф катта билим ва ҳаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳоратга эга, шу билан бирга, кучли ирода ҳамда фидойи юрак соҳиби эди. Айни сифатлари билан Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф бизга унутилмас сабоқлар бериб кетди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида енгил атлетика бўйича ёпиқ иншоотларда ўтган VI Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта олтин, тўртта кумуш, битта бронза медал билан умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни банд этишди.

Уч чемпион

Дастлабки олтин медал ядро улоқтириш баҳсларида барча рақибаларини ортда қолдирган София Бурҳоновага тегишли бўлиб, у 16 метр 80 сантиметр натижа кўрсатди.

Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби Светлана Радзивил баландликка сакраш баҳсларида 196 см. натижа билан шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Терма жамоамиз ҳисобига учинчи олтин медални Анастасия Журавлёва уч ҳатлаб сакраш беллашувларида келтирди. Яна бир вакиламиз Александра Котлярова иккинчи ўринни эгаллади.

Кўпкураш баҳсларида 3985 очко жамғарган Юлия Тарасова эса ғазнамизга кумуш медал қўшиб қўйди.

Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда Леонид Андреев кўпкураш бўйича иккинчи, Руслан Қурбонов уч ҳатлаб сакрашда учинчи ўрин соҳибига айланди.

КАМОНДАН ЎҚ ОТИШ

Миллий терма жамоамиз аъзолари Ним (Франция) шаҳрида ташкил этиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

Мўлжални ол, ғолиб бўл

Ўзбекистон камондан ўқ отиш федерацияси матбуот хизмати берган маълумотларга кўра, мазкур мусобақада юртимиз шарафини Сардор Рустамов, Амет Умаров, Ирина Савинова ҳимоя қилади. Жаҳон чемпионати 25 февралдан 2 мартга қадар давом этади.

Айни кунларда Самарқандда Ўзбекистон чемпионати баҳслари давом этмоқда. Беллашувларда турли вилоятлардан олтмишдан ортиқ спортчи ғолиблик учун курашга киришган.

ТЕННИС

Истеъдодли теннисчимиз Фаррух Дўстов Остона шаҳрида ўтказилаётган «Челленжер» туркумига кирувчи мусобақани ғалаба билан бошлади.

Фаррух яхши бошлади

Мукофот жамғармаси 75 минг АҚШ долларига тенг. Мусобақанинг биринчи босқичида Дўстов россиялик Карен Хачановни 6:3, 6:4 ҳисобида енгди.

Иккинчи босқичда вакилимиз Ян Мартел (Чехия) ҳамда Михаил Бирюков (Россия) ўртасидаги баҳс ғолиби билан орани очди қилади.

Жуфтлик мусобақаларида Фаррух италиялик Маттео Воланте билан илк босқичда Жимми Делгадо ва Жил Мюллер жуфтлигига қарши кортга чиқади.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Эстониянинг Тарту шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этган қизларимиз олтин ва кумуш, учта бронза медални қўлга киритдилар.

Тартудан тортиқ

Ҳамюртимиз Асал Икромованинг булава ёрдамида бажарган композицияси ҳакамлар ҳайъати томонидан энг юқори баҳога лойиқ топилди ва у олтин медал билан тақдирланди.

Анастасия Сердюкова эса катталар ўртасидаги мусобақада муваффақият қозонди. У тўп ёрдамида машқ бажаришда иккинчи, ҳалқа, булава ва тасма ўйнатишда учинчи ўринни эгаллади ва жами тўртта медалга сазовор бўлди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши 2014 йил 7 февралдаги Қурултой қарорига асосан фаолияти тугатилаётганлигини эълон қилади.

Марказий кенгаш кредиторлари ушбу эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб, икки ой ичида ўз талаблари билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: **Тошкент шаҳри, Т.Шевченко 11-а.**

Маданият

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси турли тармоқларда меҳнат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила вакилларидан юз нафарининг Олим Хўжаев номидаги драма театрига ташрифини уюштирди.

Театр томошасида

Мирзаобод, Гулистон туманлари ва Гулистон шаҳар касаба уюшма ташкилотларида ишловчи ходимлар Рихсивой Муҳаммаджоновнинг «Аёл қадри» спектаклини томоша қилишди. Одам савдоси таъсирига тушиб қолганлар қисматига бағишланган саҳна асари барчада катта таассурот қолдирди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Кўргазма

Нафис тасвирий санъат тури сифатида қайта тикланиб, изчил ривож топиб келаётган миниатюра рангтасвири ўзининг бой тарихи, анъаналарига эга. Улуғ мутафаккир ва шоир Алишер Навоий асарларига ишланган мўъжаз расмлар ва ранглар уйғунлигидан жозиба топган гўзал нақшлар XV-XVI асрларда яратилган шарқ китобат санъатининг энг кўркам намуналари сифатида қадрланади. Юртимиз истиқлолга эришгач, миниатюра санъати мазмунан ва шаклан янги босқичга кўтарилди. Унинг тасвирий имкониятлари янада кенгайди.

Улуғ сиймолар мусаввирлар талқинида

Миниатюрачи рассомлар яратаётган асарларда улуғ сиймолар Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди, буюк аждодларимиз яшаган замонларга оид воқеа-ҳодисалар тасвирланади.. Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси томонидан Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида очилган, Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 531 йиллигига бағишланган кўргазмада ҳам бу ҳақиқат ўз аксини топган.

Кўргазмадан етмишдан зиёд турли ашёларга, хусусан, оддий қоғоз, ипак қоғоз, ёғоч ҳамда тош қоғоздан ясалган безакли қутичаларга, лагарларга темпера ва акварел бўёқларда ўзига хос нозик услубларда бажарилган миниатюра ва наққошлик намуналари ўрин олган. Х.Назировнинг «12 ёшли Бобурнинг тахтга ўтириши», «Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти», «Қовун соғинчи», Б.Ҳожиметовнинг «Шоир илҳоми», «А.Навоий. Панно», «Қаро кўзим», Н.Холматовнинг «Бобур саргардонликда», «Бобур сиймоси», Ш.Муҳаммаджоновнинг «Фарҳод ва Ширин», «Алишер Навоий лирикаси» каби миниатюралари мукаммаллиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Х.Назиров томонидан Сирожиддин Саййиднинг «Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур...» номли китобига ишланган безаклар, Т.Болтабоев томонидан бажарилиб, АҚШда чоп этилган «Лисон ут-тайр» номли китобдаги миниатюралар ҳам эътиборга молик ижодий ишлар сирасига киради...

Ушбу нуфузли кўргазманинг очилишида адабиёт, санъат, фан, маданият ходимлари, талаба ёшлар иштирок этди. Улар таниқли олим, санъатшунос, рассомларнинг мумтоз миниатюра санъатида шоир бобокалонларимиз адабий меросининг акс эттирилиши ҳамда унинг тасвирий санъат ривожидаги ўрни хусусидаги маълумотларидан баҳраманд бўлдилар.

Кўргазма бир ой давом этади.

Баҳром ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 218 | 22290 nusxada bosildi | 2345